

**«Капиталбанк» АТБ да
юридик шахслар ва якка
тартибдаги тадбиркорларга
Комплекс банк хизматлари
кўрсатиш бўйича Келишувга
19-ИЛОВА**

**Масофавий банк хизматлари тизими орқали
«Overnight» жамғарма омонатини очиш, унга хизмат кўрсатиш ва ёпиш
Тартиби**

I. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР:

1.1. Мазкур Тартиб мақсадларида қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

Банк куни – очиқ балансли иш кунлари бўлиб, ушбу кунлар давомида Банк Мижозларга хизмат кўрсатишни ва ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширади;

Омонат – Мижоз томонидан «Overnight» жамғарма омонати Шартномасига мувофиқ жойлаштириладиган миллий валютадаги пул маблағлари суммаси;

Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи - Мижознинг биринчи талаби билан унга бериладиган ёки ундан ўтказиб бериладиган пул маблағлари ҳисоб-китоби юритиладиган Ҳисобварақ;

Байрам ва/ёки иш куни бўлмаган (дам олиш) кунлар – Банк томонидан банк фаолияти амалга оширилмайдиган календар кунлар;

Тартиб – мазкур Масофавий банк хизматлари тизими орқали «Overnight» жамғарма омонатини очиш, унга хизмат кўрсатиш ва ёпиш Тартиби;

Омонат ҳисобварағи – Мижоз томонидан банк «Overnight» жамғарма омонати Шартномасига мувофиқ миллий валютада жойлаштирилган пул маблағлари ҳисоби юритиладиган банк ҳисобварағи.

Камаймас энг кам қолдиқ (минимал қолдиқ) – 1 000 (бир минг) сўм;

Амалиёт куни – Банк кунининг пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва банк операцияларини бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари бўйича акс эттиришга ажратилган вақтини белгилайдиган қисми.

1.2. Мазкур Тартибда қўлланиладиган бошқа атама ва таърифлар Келишувда қўлланиладиган маъно билан бир хил маънога эга.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Тартиб, Мижознинг омонатни жойлаштириш учун Аризасига (мазкур Тартибнинг 1-сон Иловаси) асосан Томонлар учун мажбурий тус олади (қучга киради) ва Мижозга пул маблағлари зарур бўлмаган пайтда қўшимча даромад олиши учун, Мижозга масофавий банк хизматлари кўрсатиш тизими орқали «Overnight» жамғарма омонатини очиш, унга хизмат кўрсатиш ва уни ёпиш бўйича Банк ва Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2.1.1. Мижознинг аризасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- Омонат валютаси, суммаси ва муддати;
- Омонатнинг бошқа шартлари.

2.2. Мазкур Тартиб, Келишув, Банк Тарифлари ва Ариза биргаликда «Overnight» жамғарма омонати Шартномасини (кейинги ўринларда — «Шартнома») ташкил этади.

2.3. Ариза Мижоз томонидан шахсан ёки ЭРИ орқали имзоланиши мумкин.

III. ПРЕДМЕТ

3.1. Банк пул маблағларини Омонатга тўлдириш ва қисман ҳисобдан чиқариш (қайтариб олиш) имконияти билан чекланмаган миқдорда кирим қилади, Банк эса пул маблағларини қабул қилади ва Шартномада белгиланган шартларда ва тартибда Омонатни қайтариш ва фоизларни тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2. Банк Мижоздан Омонатни қуйидаги шартларда қабул қилади:

- Банк Амалиёт куни якунида пул маблағларини тўлиқ миқдорда асосий Талаб қилиб олингунча ҳисобварағидан акцепсиз равишда (Омонатчининг топшириғисиз, мемориал ордер

асосида) ҳисобдан чиқаради ва мустақил равишда (яна мемориал ордер орқали) уларни Омонат ҳисобварағига кирим қилади, ва бу операцияга Мижоз Банкка ўз розилигини (акцепт) беради;

- Омонат суммасининг қайтарилиши, мазкур Шартнома бекор қилингунга қадар, ҳар Банк иш куни Тошкент вақти билан соат 10:00 дан кечикмасдан, Омонат ҳисобварағида қоладиган Камаймас энг кам миқдор чегирилган ҳолга амалга оширилади.

- қонунчиликда ўрнатилган тартибда, Банк иккинчи Амалиёт куни якунида Омонат ҳисобварағида бўлган пул миқдори (Омонат) нисбатан йиллик 3% (уч) фоиз ҳисобидлан фоизлар ҳисоблашни бошлайди. Бунда, йиллик кунлар сони сифатида 365 кун ҳисоби олинади;

- Омонат бўйича фоизлар, уларни ҳар ойда (ҳар 25-санада) Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа ўтказиб бериш орқали тўлаб берилади;

- Агар Омонатни ва/ёки фоизларни тўлаш куни Байрам ва/ёки иш куни бўлмаган (дам олиш) кунларига тўғри келса, тўлов куни дам олиш кунларидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

3.3. Омонатдан олинган даромадларни солиққа тортиш Ўзбекистон республикаси Солиқ Кодексида мувофиқ амалга оширилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Шартномада белгиланган шартларда фоизларни олиш;

4.1.2. Банкдан Омонат бўйича амалга оширилган барча операциялар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек Омонат ҳисобварағидан кўчирма олиш;

4.1.3. Мазкур Шартномани ижро қилишдан бош тортиш (Шартномани бекор қилиш), бунда Шартнома бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлмаслиги ва банкларда ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тартиби ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарган ҳолда Мижоз ўз режаси тўғрисида омонатни муддатидан олдин қайтариш санасидан камида 1 (бир) Банк куни аввал ёзма равишда огоҳлантириши лозим;

4.1.4. Банкда бир нечта омонат жойлаштириш.

4.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Қуйидаги ҳолларда, Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш:

- Омонат суммаси ёки унинг қисми давлат ёки суд идоралари томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда камайтирилганда (олиб қўйиш, ундирув ва ҳ.к.). Бу ҳолатда фоизлар депоизт Омонат ҳисобварағида ҳақиқатда турганмуддатдан келиб чиқиб ҳисобланади;

- ҳисобварақдаги пул маблағлари хатлов (арест) қилинганда, ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақ операциялари тўхтатиб турилганда;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Келишув билан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Мижоз МБХ тизими орқали Шартномани муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги ёзма хабарномани олган кундан эътиборан Шартнома Банк томонидан бир тарафлама бекор қилинган ҳисобланади. Бу ҳолатда, Банк барча пул маблағларини (омонат), шу жумладан Камаймас энг кам миқдорни ҳам, Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа ўтказади ва/ёки уларни Омонат ҳисобварағига кирим қилинишини тўхтатади.

4.2.2 акцептсиз равишда (Мижознинг топшириғисиз) Талаб қилиб олунгунча ҳисобварақдан пул маблағларини мазкур Шартнома шартларига мувофиқ ва у бўйича мажбуриятларни бажариш учун ҳисобдан чиқариш (ечиб олиш).

4.3. Мижознинг мажбуриятлари:

4.3.1. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажариш;

4.3.2. Банкнинг расмий Сайтида жойлаштирилган Омонат шартлари ва/ёки Банк Тарифлари билан мустақил равишда танишиш.

4.4. Банкнинг мажбуриятлари:

4.4.1. Фоизларни Шартнома шартларига мувофиқ ўз муддатида ва тўлиқ ҳисоблаб бориш;

4.4.2. банк сирини ташкил этувчи ахборот ва маълумотларнинг махфийлигини кафолатлаш. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақатгина Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тақдим этилиши мумкин.

4.4.3. Омонат бўйича операцияларни тегишли тартибда бажармаганлик учун Мижоз олдида жавобгарликка эга бўлиш. Мижознинг ўзи ёки учинчи шахсларнинг хатолари, шу жумладан энгиб бўлмас куч ҳолатлари юзага келиши натижасида, ҳисоб-китоб марказлари ёки банклараро ҳисоб-китобларни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар айби билан депозит операциялари кечиктирилганда Банкнинг жавобгарлиги юзага келмайди.

4.5. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақдаги пул маблағлари хатлов (арест) қилинганда ёки ҳисобварағида операциялар тўхтатиб турилганида, Омонат бўйича фоизларнинг ҳисобланиши, чекловлар олингунга қадар тўхтатиб турилади.

4.6. Томонларнинг ҳар бири, Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига таъсир ўтказиши мумкин бўлган зарур ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги учун Амалдаги қонунчилик, Келишув ва мазкур Тартибга мувофиқ жавобгарликка эга.

5.2. Агар Банк томонидан Шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилиши лозим бўловлар муддатилари кечиктирилса, Банк Мижозга ҳар бир кечиккан кун учун кечиктирилган бўлов суммасининг 0,01% миқдорида, аммо кечиктирилган бўлов суммасининг 10%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома Ариза берилган кундан ва Банкка Омонат суммаси келиб тушган кундан бошлаб кучга киради ҳамда Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар давом этади.

6.2. Шартнома бекор қилинганда (тўхтатилганда) Омонат ҳисобварағи ёпилади.

6.3. Шартнома билан боғлиқ низолар Томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал этилади. Агар музокаралар орқали низоларни ҳал этиш имкони бўлмаганда, низолар Келишувда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.4. Банк ва Мижоз ўртасидаги ушбу Тартиб билан назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Амалдаги қонунчилиги ва Келишув билан тартибга солинади.

**Масофавий банк хизматлари тизими орқали
«Overnight» жамғарма омонатини очиш,
унга хизмат кўрсатиш ва ёпиш Тартибига
1-СОН ИЛОВА**

Омонатни жойлаштириш учун АРИЗА

Миллий валютада жамғарма депозит ҳисобварағи очишни ҳамда пул маблағларини қуйидаги шартларда «Overnight» жамғарма омонатига жойлаштиришни сўраймиз:

омонат валютаси: _____

омонат миқдори: _____

омонат муддати: _____